

Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш — устувор вазифа

Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигини кенг нишонлаш мақсадида бутун юртимиз бўйлаб "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ранг-баранг байрам дастурлари намойиш этилмоқда, турли маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилмоқда.

Бу бежиз эмас, албатта. Зотан, Истиқлолнинг буюк ютуқларидан бири — юртимизда тарихан қисқа муддатда миллий давлатчиликнинг ҳуқуқий пойдевори яратилгани билан бугун ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўтган даврда ана шу мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор асосида ҳаётимизнинг барча соҳаларида туб ислоҳотлар амалга оширилди, давлат ва жамиятнинг таркибий тuzилиши модернизация қилинди ва янгиланди.

Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик ўзгаришларнинг ҳуқуқий кафолатлари Конституция ва миллий қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилган. Бунда амалдаги қонун ҳужжатларига халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принциплари имплементация қилингани муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқларига доир етмишдан зиёд халқаро ҳужжат, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бу соҳадаги асосий халқаро шартномалари иштирокчиси ҳисобланади ва ўз зиммасидаги халқаро мажбуриятларини изчиллик билан бажариб келмоқда.

Мамлакатимизда Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари миллий маркази, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва бошқа бир қатор ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

Мустақил бўлган бу институтлар жамиятимизда қонун устуворлиги, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш принципларига риоя этилишига хизмат қилмоқда.

Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва эркин ривожлантириш, уларнинг жамиятни демократик ўзгартириш ва либераллаштиришда фаол иштирок этишини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий шароитлари, иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатлари яратилди.

Натижада нодавлат-нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими ривожланди ва мустаҳкамланди.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган нодавлат-нотижорат ташкилотларининг сони 8 мингдан ортди. Энг муҳими, сон эмас, балки сифат ва самарадорликдир. Шу маънода юртимизда мавжуд нодавлат-нотижорат ташкилотлари демократик кадриятлар, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишнинг муҳим омилига айланаётгани диққатга моликдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан грантлар бўйича берилаётган маблағлар миқдори сўнгги уч йилда 2 баробар кўпайди.

Бугунги кунда юртимизда 1400 га яқин оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг орасида анъанавий ахборот воситалари бўлмиш газета-журналлар, теле ва радиоканаллар билан бирга энг замонавий ва илғор медиа тармоқлари — рақамли ва мобиль телевидение, интернет-телевидение, интернет-радио, умуман, интернет журналистикаси миллий ахборот майдонида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларини ислоҳ этиш ва демократлаштириш сиёсати миллий иқтисодиётимизни жадал, барқарор ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини мунтазам ошириш учун мустаҳкам пойдевор яратди. Ҳатто глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида ҳам, яъни кейинги 9 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётгани, умуман, мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти 4,1 баробар, аҳолининг ялпи реал даромадлари жон бошига 8,2 карра ошгани шундан далолат беради.

Ўтган даврда босиб ўтган йўлимиз ва тўплаган тажрибамизни холисона баҳолаш, қўлга киритган юксак марраларимизни таҳлил этиш мамлакатимизни тадрижий ва босқичма-босқич ривожлантириш бўйича халқимиз танлаган йўл — тараққиётнинг "ўзбек модели" нақадар тўқри эканини ва шу йўлдан бундан буён ҳам оғишмай қатъият билан боришимиз зарурлигини яққол кўрсатмоқда.

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишларидан бири бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборат.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ислоҳотларнинг мазкур йўналишига алоҳида ва мунтазам эътибор қаратиб келинмоқда. Ана шундай ёндашув туфайли бу борадаги ишларнинг кўлами, миқёси ва самарадорлиги кейинги ўн йилликда ниҳоятда кенгайиб, янги босқичга кўтарилганини кўплаб мисолларда кўриш мумкин.

Аввало, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чоратadbирлар амалга оширилди.

Натижада суд ҳокимиятининг мустақиллиги таъминланди, судлар ихтисослашди, кассация институти ислоҳ қилинди, ишларни қайта кўриб чиқишнинг апелляция тартиби, ярашув институти жорий этилди, суд амалиётининг барча босқичларида томонлар тенглиги кафолатланди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2010 йилнинг ноябрь ойида Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши юртимизда амалга оширилаётган демократик янгиланиш ва модернизация жараёнларининг мантиқий давоми бўлди.

Мазкур Концепция, моҳият-эътиборига кўра, узоқ муддатга мўлжалланган Дастур бўлиб, у бугунги глобаллашув замонида, дунё шиддат билан ўзгариб бораётган бир шароитда ўзаро узвий боқлиқ бўлган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини, сўз ва ахборот эркинлигини, сайлов эркинлигини таъминлаш, сайлов тизимини такомиллаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берди.

Концепцияга мувофиқ, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, жамиятни ривожлантириш ва демократлаштиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлаш ҳамда судлар ҳолислиги ва беқаразлигини таъминлаш механизмини ривожлантириш, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш бўйича изчил ишлар олиб борилди. Суд жараёнида тортишувни кучайтириш, жиноят қонунчилигини тобора либераллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича қонунчилик чора-тадбирлари амалга оширилди.

Ўтган 23 йил давомида жиноят-процессуал қонунчилик тубдан эркинлаштирилди, жиноят қонунчилиги декриминализация қилинди. Хусусан, жиноятлар тоифасига кирувчи жиноий хатти-ҳаракатлар рўйхати кескин қисқартирилди, озодликдан маҳрум қилиш ўрнига жазонинг муқобил турларини қўллаш кенгайтирилди. Айниқса, 2008 йил 1 январдан ўлим жазоси жиноий жазо тизимидан чиқариб ташланди. Инсонпарварлик ва ижтимоий адолатнинг дунё миқёсидаги илғор тенденциясига мувофиқ равишда Жиноят кодексининг фақат иккита моддаси бўйича умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланадиган бўлди.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди, яъни "Хабеас-корпус" институти жорий этилди. Концепцияда белгиланган вазифалар ижроси доирасида "Хабеас корпус" институтини қўллаш соҳаси янада кенгайтирилмоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш ўринлики, мазкур институтнинг амалиётга татбиқ этилиши шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилгач, судгача қамоқда ушлаб туриладиган шахсларнинг сони сезиларли даражада камайди. Ярашув институти амалга жорий этилди ва натижада ўтган даврда қарийб 150 минг нафар кишига нисбатан жиноий жазо чораси қўлланилмади. Мустақиллик йилларида 24 марта амнистия эълон қилинди. Бу, ўз навбатида, 217 минг нафардан ортиқ кишининг афв этилиб, озодликка чиқишини таъминлади.

Амнистия актига кўра, жазодан озод этилан шахсларни ижтимоий мослаштириш бўйича тегишли давлат идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва маҳаллалар томонидан ўзаро ҳамкорликда тизимли ишлар олиб борилди. Таъсирчан

ва самарали бўлган бундай чора-тадбирлар такрорий жиноятлар сонининг сезиларли равишда қисқаришига олиб келди.

Албатта, бу каби ижобий омиллар аҳолимизнинг руҳиятини кўтариб, ишчанлик, бунёдкорлик кайфиятини кучайтирмоқда, юртдошларимизнинг келажакка ишончини янада оширмоқда. Энг муҳими, мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик, дўстлик ва ҳамжихатлик, ижтимоий шериклик ва халқаро ҳамкорлик муҳити барқарор ва бардавомдир.

Бой тарихимиз, бетакрор меросимиз, муқаддас дину диёнатимиз, кўхна урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди. Меҳр-оқибат, бақрикенглик, ҳамжихатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш, Ватан тақдири ва келажакка дахлдорлик туйғуси ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олмоқда.

Мухтасар айтганда, Президентимиз таъкидлаганидек, тарихан қисқа бир даврда ҳаётимизда бўлаётган кескин ўзгаришлар ва янгиланишларни чуқур англаш, тасаввур этиш учун биз кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик, деган табиий саволни бериш ўринли.

Акмал САИДОВ,

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, юридик фанлар доктори, профессор